

12-боб. Мушрик отага истиғфор айтилмайди



10:30 / 19.11.2018 4448

23. Ибн Аббосдан ривоят қилинади:

«У киши: «(Аллоҳ) аzza ва жалланинг «Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема»дан «...мени кичикликда тарбия қилганларидек»гача ояти «Бароат»даги «Набий ва мўминлар учун дўзах эгалари экани аён бўлган мушрикларга, агар яқин қариндошлари бўлса ҳам, истиғфор айтишлари дуруст эмасдир» ояти ила насх қилинган», деди».

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу Қуръони Каримда бу борада келган икки оятни солиштириб, бири бошқасини насх қилганини айтмоқда.

Бу маънони тўлиқроқ англаб етиш учун аввал ана шу икки оятни батафсил ўрганиб олайлик.

Аллоҳ таоло Исро сурасида айтади:

«Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!

Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни пастлат ва «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт»(23-24-оятлар).

Бу оятда аввал ягона маъбудга – Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилишга амр этилмоқда. Ундан сўнг бевосита ота-онага яхшилик қилиш буюрилмоқда.

«Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди».

Бу Аллоҳ таолонинг Ўз бандаларига амри, буйруғи, фармонидир. Бу бандаларнинг ихтиёрига ташлаб қўйилган иш эмас. Хоҳласа қилиб, хоҳламаса қилмайдиган ҳаваскорлик ҳам эмас. Қариб, ҳеч нарсага ярамай қолганда юзланадиган кўнгилхушлик ҳам эмас. Бу амр Аллоҳ таолонинг қатъий ва ўзгармас буйруғидир. Бу буйруқни бажариш ҳар бир банданинг бурчидир.

Аллоҳнинг ибодатидан кейин келадиган иш ота-онага яхшилик қилишдир. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг амри. Аллоҳ таоло ўзига ибодат қилишга чақирган амрдан кейиноқ шу оятнинг ўзида ота-онага яхшилик қилишни ҳам таъкидламоқда. Бу ҳол ўз навбатида Исломда ота-онанинг ҳаққи қанчалик улуғ эканини кўрсатади.

«Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф», дема».

Бу жумладаги «уфф» сўзига боғлиқ икки хил маъно бор. Бир маъноси – ота-онага ёмон сўз айтиб, беҳурмат қилма, дегани бўлса, иккинчи маъноси – ота-онани олдида «уфф» дема, улар «Болам оғир ҳолга тушибди» деб озорланадилар, деганидир.

«...уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!»

Ота-онанга ҳеч бир озорни раво кўрма! Қандай яхши сўз бўлса, ўшани ота-онанга раво кўр!

«Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни пастлат ва «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт».

Фарзанд ота-онанинг ҳузурида ўзини қанчалик хокисор тутса, шунчалик яхши. У ўз раҳматини хокисорлик ила ота-онасига пастлатиб, пояндоз қилса ҳам оз. Шу билан бирга, доимо уларга Аллоҳ таолодан раҳм-шафқат тилаб дуо қилиб туриши лозим.

Аввал ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, ота-онани ҳурматлаш, эъзозлаш масаласида ҳеч бир тузум ёки тарбия воситаси Исломга тенг ҳам, яқин ҳам кела олмайди. Ота-онанинг ҳурмати, фарзанд устидаги ҳаққи тўғрисидаги оятлар, ҳадислар, исломий ҳикматлар, мусулмонлар ҳаётидаги тажрибалар дунё тарихида бу борада мисли кўрилмаган олиймақом нарсалар экани маълум ва машҳурдир.

«Бароат» (Тавба) сурасида эса Аллоҳ таоло қуйидагиларни айтади:

«Набий ва мўминлар учун дўзах эгалари экани аён бўлган мушрикларга, агар яқин қариндошлари бўлса ҳам, истиффор айтишлари дуруст эмасдир»(113-оят).

Маълумки, яқин қариндошлар рўйхатининг аввалида ота-она туради. Бу оятдаги амрга биноан, ота-она мушрик бўлса, фарзанд уларга истиффор айтиши мумкин эмас.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга рухсат йўқ экан, бошқаларга бўлмаслиги аниқ гап.

Мўмин-мусулмонларга мушриклар учун истиффор айтиш жоиз эмас, ҳатто яқин қариндоши бўлса ҳам. Улар мушрик бўлгани учун дўзахга тушиши аён бўлди. Мўмин-мусулмон одам учун дўзахга тушиши аён бўлиб турган мушрикка, агар ана шу мушрик ота-онаси бўлса ҳам, истиффор айтиш дуруст эмас.

Лекин бу дунёда мусулмон фарзанд, ҳаттоки мушрик ота-онасига ҳам яхшилик қилаверади. Бу маънодаги ҳадислар келаси бобда келади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг «биринчи оятни иккинчиси насх қилган» дейишлари биринчи оятдаги яхшилик ҳақидаги амр ҳаёт чоғидаги инсоний алоқаларга тегишли, иймон-эътиқод ва охират мағфиратига эмас, деган маънони билдиради.

У кишининг «наسخ қилган» деган сўзларини иккинчи оят биринчисини бутунлай амалдан қолдирган, деб тушунмаслик керак. Саҳобалар орасида «наسخ» сўзи кенг маънода ишлатилган. Жумладан, ушбу мавзудаги каби умумий маънони хослаш учун ҳам қўлланилган.